

ISSN 3030-3370


№ 3-4 (6) 2024



AYNIY VORISLARI

XALQARO ELEKTRON JURNAL
INTERNATIONAL ELECTRONIC JOURNAL





ISSN 3030-3370

“AYNIY VORISLARI”
xalqaro elektron jurnal

«НАСЛЕДНИКИ АЙНИ»
международный электронный
журнал

“AYNIY’S SUCCESSORS”
international electronic journal

№ 3-4 (6) 2024

MUNDARIJA

№	Familiya I.Sh.	Mavzu	Bet
SADRIDDIN AYNII HAYOTI VA IJODIGA DOIR TADQIQOTLAR			
1.	Abdulxayev Zohid Muhammadovich	Asnodi sharhiholi va osori adabii S.Aynii dar nigoshaxon sharifchon-mahdumi Sadri Ziё	6
FOLKLORSHUNOSLIK VA ADABIYOTSHUNOSLIK MASALALARI			
2.	Xolmurodov Abduhamid	Tarixiy haqiqat va badiiyat	16
3.	Quvvatova Dilrabo Xabibovna	“Qutlug‘ bir makonda gul ochdi chechak” (Shodmon Sulaymon ijodiga chizgilar)	20
4.	Rasulova Umida Iyldosh kizi	Fikratu Fitratu Furkat	26
5.	Boltayeva Gulchehra Shokirovna	Furqat ijodida mashrabona ohanglar	31
6.	Zaripova Dilfuza Baxtiyorovna	“Rohati dil” dostonida didaktik obrazlar talqini va doston vazni haqida	35
7.	O‘roqova Nafosat Yoriyevna	O‘zbek mumtoz she‘riyatida gullar obrazi	40
8.	Maxmudova Sadoqat Xolmatovna	Jadid she‘riyatida vatan mavzusi talqini	46
9.	Mirzaev Xayem Toshkulovich	“Risolaи рубой” падидаи тозае дар арӯзшиносии асри XIX	53
10.	Burieva Firuza Normurotovna	Mustaqillik davri she‘riyatida janr-shakllarga doir an‘ana va novatorliklar	60
11.	Tashova Dilorom Salimovna	Istiqloл davri she‘riyatida ikkilik tizimidagi badiiy shakl izlanishlari	64
12.	Shukurova Bahor Boltayevna	Hikoyaning lingvopoetik xususiyatlari	69
13.	Xudoyorova Gulrux Normurod qizi	Abdulla Oripov lirikasida rang va ohang sintezi orqali inson obrazining yaratilishi	73

*Расулова Умида Йўлдош қизи,
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети,
филология фаилари доктори, профессор
(Ўзбекистон)
E-mail: rasulovaumida12@gmail.com*

ФИКРАТУ ФИТРАТУ ФУРҚАТ

Аннотация. Мазкур мақолада инсон қисматининг турли синоати таҳлиллар асосида аёнлашади. Авлодлар жасорати, мардлиги, шижоати ёш авлодга доим ўрнак бўлган, уларни ўз оиласи, ватанига садоқат руҳида вояга етишига замин ҳозирлаган. Инсон тийнатиининг ўзгариб туриши, янги гоънини туғилиши, макон ва замон хоссаларини идрок этиш буларнинг бари ҳаёт катламини тадқиқ қилишни теранлаштириш билан баробар янги шаклни юзага чиқариб, жанр кирраларини бойитмоқда. Илму урфон асрорини уқиш машаққати, айрилиқ изтиробни, ҳаловат сурури янглиғ туйғуларнинг талқинига аҳамият қаратилади.

Калит сўзлар: илм, руҳият, ҳаловат, ёғду, аҳком, таркиб, мутафаккир

Аннотация. В данной статье на основе анализа раскрываются различные аспекты человеческой судьбы. Мужество, отвага поколений всегда были примером для подрастающего поколения, готовили ему почву для взросления в духе верности своей семье и Родине. Изменение человеческой природы, рождение новой идеи, восприятие свойств пространства и времени — все это, наряду с углублением исследования жизненного пласта, выявляет новую форму и обогащает грани жанра. Акцент сделан на интерпретации трудностей познания тайн науки, боли разлуки и радости счастья.

Ключевые слова: знание, духовность, счастье, разум, повеление, содержание, мыслитель.

Abstract. In this article, various aspects of human fate are revealed based on analysis. Courage, bravery, courage of the generations have always been an example for the younger generation, and prepared the ground for them to grow up in the spirit of loyalty to their family and homeland. The change of human nature, the birth of a new idea, the perception of the properties of space and time, all of this, along with deepening the research of the life layer, brings out a new form and enriches the edges of the genre. Emphasis is placed on the interpretation of the difficulties of learning the secrets of science, the pain of separation, and the joy of happiness.

Key words: knowledge, spirituality, happiness, reason, command, content, thinker.

Кириш. Бадний асарда инсоний кечинмалар жараёни изтиробу кувончлар ўзининг фалсафий талқинини топса, асар киммати ошаверади. Ҳаққоний, таъсирли ёритилган воқелик ҳар қандай жамият ўзгаришларида ҳам моҳиятини сақлай олади. Носирлар яратган замонавий ва тарихий асарларда инсон қисматидаги ибратли лавҳалар китобхон калбини забт этади, маънавий оламини бойитиш орқали ҳаёт йўлини тўғри белгилашга имкон туғдиради. Бу нарса инсон кадрининг ошишига, қобилиятини намоён қилишига асос бўлади. Халқи илму маърифатга интилган фаровон юртда адолат ва инсон манфаатларига йўналтирилган қонун ҳукм суради. Бадний ижодда ҳам маънавий етуқликка хизмат қиладиган асарлар яралиши китобхонни мамнун этади.

Асосий қисм. Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романида сўз шукухи, салмоғи, жарағи поэтик ифодани тўлиқ намоён этади. Мазкур романда сўз соҳири Навоий умр солномаси турли ракурсда ёритилар экан, маъно катламларини уқишда “Ҳазойин ул-маоний” асаридаги тартиботга риоя этилади. Адиб болалик палласидаги Алишерни айни Атторнинг ижодидан масрур бўлиб, оламини ўзга рангда кўриш, устоз Кулоҳий илму урфонидаги асл ҳикмати англаши лавҳасига бирлаштиради. Бегубор дамлар амирзодалар билан биргаликда диний ҳамда дунёвий илмларни ўзлаштиришда давом этади. Ёш Алишер Фаридидин Аттор маънавий оламга сайр айлаб, таҳқоликда асарини қунт билан уқишга интилади. Исажон Султон Навоий асарлари руҳидаги фалсафани идрок айлаб, романида босқичма-босқич англатишини мақсад айлайди. Ҳазрат

Навойий оламу одам мавхудлиги сабабиятини аста ўрганар экан, ахли маъни таълимотига эҳтироми ортади.

Романдаги “Аср изтироби. Шом қайғуси” фасли Алишер Навоийнинг меҳр куёши Абдурахмон Жомийдан айрилиш онлари изтиробини туйдиради. Шоир ўлими тириклар вужудини пора айлар, ахли илми чуқур қайғуга солар эди. Алишер Навоийнинг устози саксон ёшли нуруний Абдуллох Кулоҳийга бўлган юксак эҳтиром аҳамиятга молик. Хокисорлик ила устозга “Хамса”ни ҳадя этган толиб нурунийнинг севиш қўёшларидан мутаассир бўлади. Камтар, ҳалол мударрисга шоир томонидан янги ҳовлининг тортиқ қилиниши ҳам устоз шарафли меҳнатининг мукофоти эди.

“Навоийнинг қалби ниҳоясиз шукрона ила тўлди. Умр паллаларини хотималаш ва ягона Парвардигорга гуноҳларни савобга айлантиришини сўраб илтижо қилиш вақти келган, у эса “Муножот” бўлиб қозға муҳрланиши керак эди” [1, 334] битигида шоирнинг илоҳий саодатга етишиш онларидаги кўнгил изхори ҳаёт саҳифаларини зийнатлаётган эди. Умр хотимасида ошиқнинг Яратганга илтижоси садоланар экан, ҳидоятга ошно руҳнинг фонийлик диёрига нури сафари ёғдуланади.

Асар поэтикасида мозаика усулида “Ҳазойин ул- маоний”, “Хамса”, “Лисон ут -тайр, “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари зимнидаги маъно қатламлари тиниқлашади. Улар Алишер Навоийнинг диний ва дунёвий илмлар уммонидаги жавоҳирларни китобхонга тақдим айлайди. Роман композициясидаги бадний воқеалик баҳор фаслида бошланиб, киш фаслида ниҳоясига етади. Бунда шоирни даврон асаридаги киши умри манзараларига нигоҳ ташланиб, ҳар бирининг фазли, ҳикмати ўқиб борилади.

Исажон Султон романи поэтикасида Қуръондаги сура, улар таркибидаги кассаларнинг салмоғи бўлакча. Улар оламу одам яралишидаги маҳзан асроридан воқиф айлайди. Хусусан, шоирнинг Хусайн Мирзонинг ўғилларига ёзган насиҳат мактубларида таянч марказ Қуръон ҳукми асосида тўғри ҳидоят йўлига бошлаш эди. Оталар ва болалар орасидаги мураса ришталар Нух а.с ва ўғиллари, Озар ва ўғли Иброҳим а.с, Ёқуб ва Юсуф а.с, Иброҳим а.с ва Исмоил а.с муносабатидаги муаззам аҳкомлар мисолида тикланади. Фарзандлар итоат боис ҳаловат топиши, акс ҳолда исёни ҳалокатига ғарқ бўлиши эслатилади. Салтанатдаги фараҳбахшлик, офият подшоҳ ҳамда шахзодаларнинг ўзаро ҳурмату адолатиға боғлиқлигини уккан мутафаккир улар кўнглини фақат Қуръонни қарим мунаввар айлашига умид қилган.

Романдаги тарихий ҳақиқат асрорини ёритишда Худ а.с кассасидаги уч булутнинг вайронкор ёхуд бунёдкор хоссаси борасидаги лавҳалар ниҳозларга барҳам беришга чорлайди. Исо а.снинг ўлик вужудини тирилтириб унинг амаллари ҳисобидан осий қавми воқиф айлашида, охират маконидаги сакнат ё шайтанатдан огоҳ этгани аёнлашади. Солиҳ а.с даврида тош ичидан чиққан туя ризки, Сулаймон а.снинг қудратидан ҳайикмаган чумоли ўтати, Мусо а.снинг Фиръавн билан мувоҳасасидаги аждарҳо зафари замиридаги илоҳий мўъжизалар бани одамни яралиш ҳикматини ўқишга даъват этади.

Исажон Султон асарда туш мотиви воситасида Алишер Навоий таржимаи ҳолидаги воқеанинг ўз достони структурасида бадний идрок этилишига ишора беради. Самарқандлик даврида Алишер тушида икки қаптарнинг полапонини уйга қайтара олмай, қайғуга ботиб ортга қайтаётганида икки бургут исқанжасида нобуд бўлганидан маҳзун ҳолга тушади. “Лайли ва “Мажнун” достонида Мажнун туш кўриб, ҳаётининг куёши, жонининг қибласи бўлмиш падару волидасидан айрилганини англаб етади. Улар қабрини зиёрат айлаган мотамзода йигит ҳажр доғида тазарру қилиб, ох чекади. Муаллиф ҳазрат Навоий оламни чуқур ҳис қилган, унинг тафаккур кенгликларидеги урфон ёғдусидан баҳраманд бўлганини эътироф айлаш даркор. Романда адиб мутафаккир фитратидаги илоҳий дардин ўз қалбидан ўтказиб, юксак эҳтиром, бадний дид ила унинг саодатли умри саҳифаларини ёритишга сазовор бўлган.

Исажон Султоннинг “Абу Райҳон Беруний” романида қомусий олим умри манзараларига ракурс уюштирилади. Асар матнидаги лавҳалар алломанинг бой меросидаги мотивларни синтезлаш асосида тиниқлашиб боради. Турли мазҳабу динга мансуб кишиларнинг турмуш тарзи, ахлоқий. фалсафий карашлари, халқнинг осори атиқалари Берунийнинг тарихга доир асарларига суянган тарзда ёритиб борилади. Йигитлик чоғидаёқ ҳижрий ва милодий йил

хисобининг тафовути, сахро иклими, шамолу бўрон ҳаракатини ўрганган ноёб иктидор соҳибининг зехнияти, салоҳияти концентрик сюжет асосида ёритиб борилади.

Адиб ўсмир Беруний портретига “яшил тайласонли, баланд бўйли, кош-кўзи коп-қора, озғин бир йигит” дея чизги тортади. Йигирма бир ёшида ер юзининг харитасини чизган, куёш ҳаракатини аниқлашга интилган йигит борлиқ асрорини уқнишга закий эди. Қувваи ҳофизаси кучли йигит турли фанлар интеграциясини кузатиб, улардаги муҳим тамойилларни белгилашга сазовор бўлган. У илми нўжум, алжабр ва ҳандаса, тарих соҳасидаги кашфиётлари ила мағрибу машрик алломалари орасида обрўга эришган.

Носир Ибн Синони: “Бўйи узун, елкалари тўғри, жуссаси озғинга мойил, аммо пойдор, билаклари кучли экан. Юзи оқ, соқоли шу ёшидаги ўсмирларга хос коп-қора, сийрак ва кўркли, қошлари ёйсимон ва бир-бирига хиёл туташган, бурни киррали ва узун, ияги ингичка, кўзларида зехн балкиган ғайратли йигитча экан,” [2,76] – дея таърифлайди. Дорул ҳикмадаги нафис мажлислар, икки алломанинг фалакиёт ҳамда тиббиёт хусусидаги мубоҳасалари қобилиятдан дарак беради. Олам мувозанати, куёшу сайёралар ҳаракати, вужуд ҳамда руҳ саломатлиги бобидаги баҳслар дунё илмидаги ҳукмларни саралаш, қайта баҳолаш асносида ўзгача моҳият касб этади. Роман композицион сатҳида макон ўзгариши асносида у ердаги илм масканлари, кутубхоналарига сайр уюштирилади, алломаларнинг эса ҳикмат қарвонларига сарбонлиги уқиб борилади.

Асар структурасидаги “Назаримда, сайёралар, юлдузлар, ер, куёш, само, табиат ҳодисалари унга ўзларининг яратилиш ва мавжудлик шартларини сўзлаб бергандай, Аллоҳ таолонинг махфий сирларини очиб беради. Ахир билим Аллоҳ таолонинг қонуниятлари, у қонуниятлар эса, Яратганининг дунёга, табиатга жорий қилган дини эмасми?” [2,143] мулоҳазада илм маҳзанини уқини саодати, фазли, неъматни борасидаги жавҳар қабариб кўринади. Адиб Иброҳим а.с, Мусо а.с, Муҳаммад а.с.лар аҳкомининг аҳли инсонга ёғду таратганига ишора беради. Қавмларнинг илоҳий муждага интилиши, нафе қутқусидан халос бўлиши, хидоятга эргашишида пайгамбарларнинг имону эътиқоди зиё таратгани аёнлашади.

Романда Абу Райҳон Беруний тийнатидаги қаноатлилик, саховатлилик фазилати ҳаммаслақлари, шогирдлари томонидан хотирланади. Олим умрининг сарҳисоби, синоатли дамлари, заковату фасоҳати Абу Фазл ёдномасида тилга олинади. Асар композициясидаги мактублар поэтик вазифаси муҳим тарихий бурилишдан воқиф айлаш, авлодлар орасидаги ворисийлик, меросхўрлик муносабатига урғу бериш, ўзга макону ҳудудлар жуғрофиясидан хабардор этишга йўналтирилади.

Исажон Султон алломанинг дунё тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини ёритишда тарих солномасини синчиклаб кузатгани, диний ва дунёвий илмга оид қарашларини бадий матн зимнига сингдиргани маълум бўлади. Исажон Султон тақдир тақозоси билан турли маконга сайр айлаб, халқларнинг маънавий, маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий фитратидидаги эзгулик, олижаноблик илму урфон неъматни ила қувватланганини таъсирли, тиниқ ифодалаб беради. Уларнинг илм сарчашмасидан миллатигина эмас, балки умуминсоният баҳраманд бўлаётгани, аҳли олам асрорини янада теран англаётгани муҳимдир.

Жавлон Жовлиевнинг “Бухоро, Бухоро, Бухоро” ҳикоясида ота макон соғинчи, мусофирлик қисмати, жудолик қайғуси бир онла мисолида ёритиб берилади. Афғон диёридаги ночорлик, ишсизлик кишиларни машаққатли меҳнат қилишга мажбур этади. Зах шаронтдаги сурункали ишлар болани сил хасталигига мубтало айлабгина қолмай, оназорни ҳам ўз домнига тортади. Оилада боладан, сўнг онадан айролик ёру дилбандларни ғам-андухга мубтало қилади. Оназорнинг киндик қони томган Бухоро армони драматизмни таранглаштириб боради. Қабристондаги сукунат, рутубат садоси ота, айниқса, сағир болалар кўнглига мунгни муҳрлаб боради.

Асарда ақлий ҳамда жисмоний иш муқоясаси онадан жудо бўлган бола қисматида бўртиб кўринади. Заводдаги бўғик муҳит, ишчиларнинг сўлгин қиёфаси, тушқунлигу рутубат болани мустақил тил ўраниш, қунту сабот ила мақсадига эришишга чорлайди. Ҳикоя структурасидаги маъно нукталари инсон кадр-қиммати борасидаги тасаввурга аниқлик киритади. Хусусан, оппоқ ит ва юпун, кир болақайлар ҳолати муқояса этилса, инсоннинг забун вазияти теранлашади: “Шу

сўлгин ва умидсиз нигоҳлар билан оппоқ бўйнига кумуш медальон боғланган кўппакка болаларча беғуборлик билан тикилиб, искирт хона ва аламларни бир дам эсдан чиқариб бахтли болалар каби ўй суришни истаб колгандик” [3,83].

Афғон зодагон ҳамда бола мулоқотида келажак манзараси жонланади. Билимли, салоҳиятли бола отаси, синглисини қашшоқлик, муҳтожлик, сарсонлик муҳитидан олиб чиқишга интилади. Издиҳомда тириклик қадрини ҳис этиш, ўрнини топиш, мақсадга эришиш осон кечмайди. Йиғит иктисодий ҳамкорлик, бизнесдаги шаффофликни муҳофаза қилишга, савдода уқувли, удлабурон бўлишга эришади.

Ҳикоя структурасидаги таянч марказ: “Эй, Бухоро! Бундан тўқсон йил аввал қувғин қилинган ўғлинг келди... Миллионлаб сургун қилинган фарзандларингдан бир вакил бўлиб келди... Очиқдан, қувғинликдан, тутқунликдан, хорликдан, зўрликлардан ўлиб кетмаган, барига чидаган боланг келди. У тирик! Ватан нималигини билмай кетган чақалоқ онаси, акаси, ўтмиши, ватанини қидириб келди” [3, 90] жумлалар зимнига сингиб боради.

Тириклик диёридаги турли ваҳшийликлар олий мавжудот умрига зомин бўлиб, насларни ноёб тинчлик, ҳаловат неъматидан мосуво этади. Носир инсоннинг жаҳолати, қабоҳати залвори оғирлигини бундай шарҳлайди: “Дунёда нима кўп-зулм кўп, бало кўп, жазо кўп! Аммо беғуноҳ инсонни мажбурлаб ўз туғилган жойидан, элидан, нонидан, сувидан, дарахтларидан, дарёларидан, мазоридан, меҳробидан, осмонидан айириш, жудо қилиш дунёдаги энг катта гуноҳ, даҳшат ва шафқатсизларча қилинган ваҳшийликдир! [3, 92]”

Жавлон Жовлиев “Оппоқ қорлар, онам ва кониот” ҳикоясида инсон туйғулари, она ва бола риштаси, меҳру оқибат муносабатини бугунги кун лавҳалари билан тўйинтириб боради. Ўзбек зиёли йиғитнинг Германияда таҳсил олиши, юрт соғинчи, муштипар, содда онасига эҳтироми зимнида кўнгил розлари тажассум топади. Асарда қаҳрамон ҳолатини ҳис эттиришда жонзот: сигир ва бузоқча орасидаги меҳр риштаси ёдга олинади. Ҳикояда волида сиймосига “онаминг қалин пайпоғидан ҳам зах кучини кўрсатади-оёғи увушади; онам товонида юриб аллақачон ўчган печга ўтин олиб келгани кетади; ковушнинг бир бурчагидан қор қиради; онам бунга бепарво қор қурайди” [3,47] шаклда чизги тортилади.

Асар структурасидаги: “Кўзларидан оққан бир томчини ҳали ҳам эслайман. У онаминг кўзидан ўтиб, менинг кўзимда туриб қолгандай. Ундай тиник, ундай катта, ундай бежирим шаклга эга бўлган оғир томчини бошқа кўрмадим... Худди дум-думалоқ, тирик бир сайёрага ўхшайди” [3,49] мулоҳаза муҳим саналади. Кабир сайёра ва бежирим томчи метафорик моҳият касб этади. Онанинг кўз ёши, соғинчи бола вужудига сингиб боради. Она покиза қалби сайёра янглиғ фарзандига меҳр, мурувват улашадиган ҳаловат масканидир. Ҳикояда глобал дунёнинг турли муаммолари силсиласида битта ечим онанинг шаффоф, оппоқ қордай кўнгли малҳам бўлиши англашилади. Жавлон Жовлиевнинг бадий нияти “У гўзаллик, поклик, соғинч, ватан, муҳаббат, тинчлик орбиталарини бирлаштирган катта бир олам! Она.. Она сайёра... Она-меҳр ва тинчлик сайёраси бўлади” [3,52] поэтик мушоҳадага жамланади. Борлиқ мувозанатини тинчлик пойдевори мустаҳкамлаб, жами яратикни мавжуд қонуниятга риоя этишга даъват этади.

Натижалар ва муҳокама. Насрий асарлар поэтикасида миллат фидойиларининг тақдиридаги ассоциативлик ҳам кузатилади. Улар илму маърифат йўлида ўзга маконга бориши, даврининг подшоҳу амалдорлари ила мураса айлаши, халқ манфаати, ҳаловати учун қашфиёт, ихтиро қилиши, риёзат чекиб ҳидоятга ноил бўлиши бадий гавдалантирилади. Ҳар қандай жамият тараққий топишида саботли, салоҳиятли кишилар илм уммонидаги жавахирларни авайлаб, уларни миллат манфаатига хизмат қилдириши муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Ижодкорлар олам ва одам сир синоатини англатувчи белги, рамз, ишоралар тизими изланишлар самараси эканини ҳис этиб, китобхонга таъсирли, жозиб тасвирларни тақдим этишга диққат қилганлар. Муҳими, яратилган асарларда умуминсоний қадриятнинг намоён бўлишига эришганлар. Уларда қалбни губордан поклайдиган қувват мавжуд бўлиб, кишиларни ёвузлик, жаҳолатдан асрашга хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Султон И. Алишер Навоий. – Т.: Шарк, 2021. – 512 б.
2. Султон И. Абу Райхон Беруний. – Т.: Шарк, 2023. – 340 б.
3. Жовлиев Ж. Онам ва коинот. – Т.: Янги аср авлоди, 2023. – 272 б.
4. Rasulova, U. (2024, May). Tanqidchining teran nigohi. In *Konferensiyalar| Conferences* (Vol. 1, No. 1. – P. 63-65).
5. Rasulova, U. (2023, November). Nasriy asar badiiyati. In *Konferensiyalar| Conferences* (Vol. 1, No. 1. – P. 191-195).
6. Расулова, У. (2020). Сущность сатирического образа. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, (2 (75)). – С. 36-40.